

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР” КАФЕДРАСИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

А.А.Юсупов

“ _____ ” _____ 2018 йил

5150800 – “Рангтасвир (Маҳобатли рангтасвир)” таълим йўналиши кундузги
бўлим

04-14-гуруҳ талабаси

Матмуратов Беҳзоднинг

“КАТТА АШУЛА” мавзусидаги
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Маҳобатли
рангтасвир” кафедраси

катта ўқитувчиси

_____ Н.Шоабдурахимов

“Ҳимояга рухсат этилсин”

“Маҳобатли рангтасвир”

кафедраси мудири

_____ Ш.Р.Жуманиязов

“ _____ ” _____ 2018йил

ТОШКЕНТ – 2018 йил

Мазкур Битирув малакавий иши “Маҳобатли рангтасвир”
кафедрасининг 201__йил_____даги № _____сонли
ваТасвирий санъат факультети Кенгашининг 201__йил_____
_____дагимажлисдамуҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи:_____

Ҳимоя 201__йил_____соат_____даўтказилади.

Манзил:Тошкент шаҳри Миробод тумани Мироншоҳ 123 уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.4-7

АСОСИЙ ҚИСМ

1 БОБ. МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР, УНИНГ УСУЛЛАРИ

1.1. Маҳобатли рангтасвир тарихи, унинг шаклланиб

бориши.8-16

1.2. Маҳобатли рангтасвир композицияси усуллари, уларнинг

бинолардаги ўрни 16-24

2 БОБ. МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРЛАРИДА ЎРИТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР

2.1. Маҳобатли рангтасвирда роспись услуби..... 25-30

2.2. “Катта ашула” композициясининг таҳлили.....31-39

Хулоса.....41-44

Глоссарий. 44-49

Фойдаланилган адабиётлар.49-50

Иллюстрациялар.....51-55

КИРИШ

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.¹

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Скобелев: “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият” 2008 й. 32-б.

тамойиллари меъморчилик, тасвирий ва амалий безак соҳаларида, мусиқа ва томоша санъатларида, бадий ва ҳужжатли кино ҳамда телевидение тизимида яққол намоён бўлмоқда.

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Инсон табиатан рассомдир. У ўз ҳаёти давомида бошидан кечирган воқеаларни, билган нарсаларини бошқалар билан баҳам кўришга, ўзи кўрган гўзал табиатни, инсон гўзаллигини таърифлашга, тавсифлашга интилади.

Рассом ижод этаётиб, бевосита санъат асарлари яратаётгандагина санъаткор бўлиб қолмай, у санъат асарларини идрок этаётганида ҳам ижодкор эканлигини тушуниш зарурияти туғилади. Бунинг учун эса фикр, ғояни қандайдир тартибда ифодалаш, тасвирлаш тартиб-қоидаларига бир қатор ижодий таълимлар ёрдам беради.

Умрида бир катта илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, дилидан чиқариб расм чиза олган одам бахтли одамдир. Ҳар биримиз ҳам болалик чоғларимизда кўлимизга мўйқалаум-бўёқ олиб, куёш, гуллар, қушлар, дарахтларнинг расмини солишга уринганмиз. Худди ана шу нарса кишининг бевосита ҳаётдан олган бахтиёр ва фахрли туйғуларининг ёрқин ифодасидир.

Камолотга эришган рассом эса ўзининг тўплаган тажрибасига таяниб, табиатдан илҳом олиб, гул ва япроқлардан турли-туман шакллар ясайди, уларга жимжимадор бўёқлар беради, турли нақшлар ва чизгилар билан безайди. Шу тариқа нақш-у нигорлар дунёга келади.

Илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари: Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш, ёшларда санъатга бўлган муҳаббатни кучайтириш, санъатнинг ҳар қандай соҳасини ривожлантиришга ҳаракат қилиш, инсонларни гўзалликка ошно қилиш.

Яратилаётган маҳобатли рангтасвир композицияси айнан олий санъат мактаби, аниқроғи консерватория биноси учун ишланаётганини назарда тутиб, ёшларни санъатга, гўзалликка ошно бўлишга чақириш,

инсон руҳият оламига олиб кириш, қолаверса бугунги кун кишиси кандай сифатларга эга бўлишлари кераклигини тушунтиришдан иборатдир.

“Катта ашула” деб номланган композиция олийгоҳ биносининг фойеси учун мўлжалланган. Шунинг учун диплом ишида санъатнинг гўзаллик олами эканлигини намоён этиш, ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий камолотига урғу бериб, санъатнинг, хусусан маҳобатли рангтасвирнинг ёшларни миллий руҳда тарбиялашдаги ўрнини таъкидлаб кўрсатишни бош вазифа қилиб олдик.

Ёшлар орасида санъатни тарғиб қилиш, унинг қудратли кучи, санъатга ошно бўлган дилларнинг гўзаллик оламини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Шунинг учун диплом ишида ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий камолотига урғу бериб, санъатнинг, хусусан мусиқа санъатининг ёшларни миллий руҳда тарбиялашдаги ўрнини таъкидлаб кўрсатишни бош вазифа қилиб олдик.

Меъморчиликдаги маҳобатли рангтасвир асарларининг ёшларни миллий руҳда тарбиялаш имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили:Мавзуни ёритиш мобайнида республикамиздаги рассомлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар мавжуд.Манбашуносликга доир материалларни тўплашда асосий ёрдамчи вазифасини ўтаган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:Мустақиллик даврида тасвирий санъат соҳаси янги босқичга қадам қўйди. Асрлар мобайнида шаклланиб келган тасвирий санъат мустақиллик шарофати натижасида дунё миқёсига чиқди. Мамлакатимизда маҳобатли рангтасвир санъати ривожига ўз хиссасини қўшаётган рассомлар ижодини тадқиқ этиш.

Тадқиқот предмети ва объекти:Ёшларни миллий руҳда, гўзалликка ошно қилиб тарбиялаш жараёни.“Катта ашула” мавзусида ишланган композиция таҳлили. Санъатнинг қўшиқчилик тури

мавзусидаги бу композиция иши консерватория биноси учун мўлжаллаб ишланган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: Ўзбекистон маҳобатли рангтасвир санъатини акс эттирган яхлит тадқиқот манбаи ҳисобланиб, миллий бадиий маданиятнинг келажакдаги ривожини ўрганувчи маданият, санъат ва тарих фанини чуқур эгаллашни олдига мақсад қилган талабалар учун бош манба бўлиб хизмат қилади.

1 БОБ. МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР, УНИНГ УСУЛЛАРИ

1.1. Маҳобатли рангтасвир тарихи, унинг шаклланиб бориши

Маҳобатли безатувчи санъат асарлари тасвирий санъатнинг энг халқчил ва оммабоп турларидан биридир. Чунки, бу турдаги ҳайкал, безак ва расмлар доимо одамларнинг назарида бўлади. Шу туфайли бундай асарлар катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бинобарин кишилик жамияти санъатининг бу туридан қадим замонларданоқ кенг фойдаланилган. Башарият тарихи, хусусан, тасвирий ва меъморчилик санъати соломасига назар ташласак, маҳобатли безатувчи санъатнинг юксак поғоналарга кўтарилган даврини кўп учратамиз.

Маҳобатли рангтасвир тарихи ибтидоий одамнинг ғорлар деворига чизган расмларидан бошланади. Ибтидоий жамоа инсонларининг санъатикадимги тош даврига бориб тақалади. Уни одатда, олдинма кетин келувчи даврларга бўлиш мумкин. Уларнинг энг қадимгиси Ориньяка, ундан кейин Мадлен ҳисобланади. Ориньяка маданиятига тааллуқли қоялардаги суратлар Ўзбекистоннинг Сурхандарё худудидаги Заравутсой қояларида, шунингдек жанубий Франция ва шимолий Испания ғорларида сақланган. Мадлен маданияти даври учун энг кизиқарли деворий суратлар Шимолий Испаниянинг Альтамир, Кастало ва Жанубий Франциянинг Марсула ва Фонде Гома ғорларида сақланиб қолган. Бронза даврининг қоятошларида ва Заравутсойнинг ўнгирларида, темир асрининг қояли суратлари Қримдаги Качи дарёсининг ўнг тамонида сақланиб қолган.

Энг қадимги деворий рангтасвир асарлари ғорлар ва қоялар деворларининг оҳактошли сиртида бевосита ҳеч қандай тайёргарликсиз тўғридан - тўғри амалга оширилган. Уларнинг деворларида рангтасвир энг оддий бўёвчи моддалар ёрдамида бажарилган. Қўлланилган ашёларнинг мутлақо оддийлигига ва унинг техникасининг мураккаблигига қарамадан мазкур қадимий ғорли ва қоявий асарларнинг кўплари

нихоятда яхши ҳолатда кўп минг йилликлар мобойнида сақланиб қолган. Шунингдек маҳобатли рангтасвирнинг қадимги намуналари сифатида Миср, Крит - Микен, Қадимги Римнинг Помпей ва Геркуланум шаҳарлари, қадимги антик давр Грецияси, қадимги Рус маҳобатли рангтасвир технологиясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Географик ўрни, ажойиб табиати сабабли қадимги овчи, термачи ва чорвадорлар учун энг қулай жойлардан бири бўлган Тошкент воҳасида ҳам қадимий қоятош расмлари ёдгорликлари топилган. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 10000 нусхадан ортиқдир. Бу ажойиб қадимги санъат асарлари жуда жонли ва ҳаракатчан ҳолда, бир неча услубда акс эттирилган. Улар қадим замонлардан то кейинги даврларгача уриб чўкичланган. Тошкент воҳасидаги баъзи бир қоятош расмлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар Марказий Осиёдаги шу хилдаги ёдгорликлар орасида алоҳида ўрин тутди. Воҳадан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча қоятош расмлар марказлари топилган ва ўрганилган. Ана шундай қоятош расмлари ёдгорликлари қаторига Хўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Паракадасой, Охангарон ва бошқаларни киритиш мумкин.

Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги Тошкент шаҳридан 70 км. шимоли-шарқда, Чотқол тоғларининг ғарбий ёнбағрида ва Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Бу ердаги расмлар баландлиги 12,5метр, узунлиги 18 метр бўлган, тик оҳактошли қояга уриб чўкичланган. Расмлар асосан қоянинг пастки, яъни одам бўйи баландлигидаги қисмида жойлашган. Хўжакент қоятошларида 90дан ортиқ алоҳида ва композицион ҳолдаги ҳар хил расмлар бирлиги аниқланган. Қоя сиртига асосан тоғ эчкилари, архарлар, кийиклар, отлар, итлар, буқа ва тушунарсиз расмлар чизилган. Булардан ташқари Хўжакент қояларида одамларнинг расмларини ҳам учратиш мумкин. Расмлар соя, контур ва оддий чизиқли услубларда акс эттирилган. Уларнинг деярли ҳаммаси бир хил урилиш техникасида ишланган.

Хўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб, қадимги одамларнинг турмуши ва диний тушунчаларини қамраб олган. Бу расмлар қадимги аجدодларимизнинг нафис санъати намуналари бўлиб, тасвирий санъатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтмишнинг жонли гувоҳларидан бири бўлган Афросиёбда ва бошқа жойлардаги қазилмаларда топилган деворий суратлар кимнинг эътиборини тортмаяпти, ҳайратга солмаяпти, фахрлантirmаяпти. Бой тарихни қайта тилга киритаётган археологлар бундай мўъжизаларни кўплаб кашф этмоқдалар, ҳалқнинг моддий маданий ёдгорликларини тикламоқдалар. Соҳиби қилқаламлар ўтмишда киши кўрганида таҳсин ўқийдиган деворий расмларни, безакларни кўплаб ишлаганлар ва ишлаб келмоқдалар.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ҳайкалтарошлик ва графика турлари нисбатан суст ривожланган бўлиб, доимо дастлабки ўринларни рангтасвир эгаллаган. Маълумки, она заминимизда илк ўрта асрлар даврида ҳукмдор ва аслзода бойларнинг уйлари, бундан ташқари, жамоат биноларининг ички деворий юзаларини маҳобатли рангтасвир билан безаш кенг урф бўлган эди. Тасвирлар ва нақш элементлари учун олдиниға лой қоришмаси билан сувоқ қилинган, кейин елим ёрдамида ишлов берилган паҳса девор текислигида бажарилган. Тасвир баъзан лойсувоқ устиға тўғридан-тўғри, баъзан оқланган деворға қизил рангли туташ чизиқлар ёрдамида ҳеч қандай андозасиз моҳир мусаввирлар қўли билан бажарилганлиги аниқланган. Бунға мисол қилиб Афросиёб саройидаги деворий суратларни келтириш мумкин.

Ўрта Осиё рассомлари Европа “фреска” санъатидан фарқли ўлароқ нам деворда эмас, балки яхши қурилган ва оқланган девор сатҳида чизишган, бу ерда ёруғ-соя нисбатлари, қонуниятлари ёрқин бўлмасада, ишланган композициялар чизиқлари, нақш ва элементлар ўта аниқликда, бўёқлар ранги соф ва ҳамоҳанг. Ушбу деворий суратлар баъзи илмий манбаларда “фреска” деб ҳам юритилган. Ваҳоланки, бу атама маҳаллий

ашёлар технологиясига тўғри келмаслиги, бу иборанинг нотўғрилиги 1918 йилдаёқ таъкидланган. “Фреска” сўзи (итальянчадан русчага “свежий, сырой”) оҳакли девор юзасида табиий ва минерал бўёқларда бажариладиган рангтасвир асаридир. Деворий рангтасвирнинг технологик асоси уч хил: ал-фреско, нам сувоқли девор юзасида; фреско-секко, эндигина қуриган юпқа сувоқли деворда; ал-секко, бутунлай қуриган деворда. Демак, Ўрта Осиё деворий расмлари “ал-секко” услубида ишланган. Бундай услубда ишланган деворий суратлар фреско услубидан фарқ қилиб, юзаси ёруғликни қайтармайди, яъни ялтирамайди, ёрилиб кетмайди. Қадимда асосан табиий ва минерал бўёқлар (кўк, қизил, сариқ, оқ)дан фойдаланилар эди. Самарқанддаги Афросиёб, Жартепа, Бухородаги Варахша, Сурхондарёдаги Болаликтепа, Тавқа каби саройларнинг 2-2,7 метргача сақланиб қолган деворлари ички юзасидаги суратларда юқорида айтиб ўтилган рангли бўёқлар қўлланилган. Албатта, рангларнинг бу даражада яхши сақланиб қолганлигига сабаб, уларнинг ер қаърида асрлар мобайнида қолиб кетганлиги дейиш мумкин.

Қурилиш техникасининг юксак тараққиётига қарамай, бугунги кунда ҳам деворий сураткашлик технологияси деярли ўзгармаган, яъни куруқ оқ девор сатҳида гуашь ёки темперада лессировка техникасида ишланади.

Деворий маҳобатли рангтасвирнинг меъморий муҳит яратишда бирламчи вазифаси бадиийлик бўлса, унинг сюжети воситасида тарих ва миллий маданиятимизни акс эттириб, ғоявий ва мафкуравий масалаларни ечиш мумкин. Масалан, Афросиёбдаги Ихшид (ҳоким) Вархуманнинг саройидаги ҳаётини, давлатини, қудратини, халқаро алоқаларини ва салтанат маданиятини акс эттирувчи деворий суратлари бўлган. Эрамиздан аввалги IV ва эрамизнинг VIII асрларида санъатнинг маънавий-ғоявий вазифаси кучая борди. Буни Кушон, Бактрия, Хоразм, Суғд маданияти намуналарида кўриш мумкин. Ўша даврдаги бунёд этилган бинолар деворларидаги суратлар, умуман олганда, Ўрта Осиё

тасвирий санъати хусусиятини ўзида намоён этади. Элчиларнинг шох кабулида бўлишлари, қаҳрамонона жанглар ва мардона шикорлар тасвири манзаралар, илк ўрта аср аҳолисининг ижтимоий, маданий ва ахлоқий ғояларини акс эттирган. Бироқ, санъатнинг мақсадга йўналтирилган мустаҳкам ғоявий вазифаси Амир Темур даврида амалга оширилди. Шунга кўра Амир Темур саройидаги деворий суратлар ҳам худди мазкур суратлар сингари келган меҳмонларга унинг қудратини, ғоясини тасвирий ифодада намоён этган, масжид-мадраса ва бошқа жамоат иншоотларидаги бадий воситалар биринчи ўринда салтанат мафкурасига хизмат қилган. Амир Темур саройларнинг ички деворларида ватани ва ўзга юртларда бўлган воқеа-ҳодисаларнинг тасвирини чиздириб, ташриф буюрувчиларни ўзининг ишидан ғойибона хабардор этиб, уларга яққол намоён қилган.

Биз маҳобатли рангтасвир тарихига бироз назар ташладик. Бунинг сабаби, ўтмишдаги ота-боболаримиз яратган санъат асарлари, уларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса ўша давр ижодкор одамларининг ҳаёти ва ижоди фақатгина ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб қолмай, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Маҳобатли рангтасвир – тасвирий санъатнинг шундай бир туридирки, унда ранг энг асосий ўринни эгаллайди. Бирор юзада бўёқлар воситасида яратилган санъат асари маҳобатли рангтасвир дейилади. Маҳобатли рангтасвир амалда йўналишига кўра маҳобатли, дастгоҳли, миниатюра, театр маҳобатли рангтасвир беағи каби турларга бўлинади. Маҳобатли рангтасвир йўналишининг ҳар бири махсус хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу – бажариш услуби, шунингдек бадий образ талабларига ҳам тегишлидир. Маҳобатли рангтасвир образлари ниҳоятда жилоли ва ҳар бири ўзига хос. Мусаввирлар маҳобатли рангтасвир воситалари кўмагида асар яратадилар ва улар ҳар доим чизматасвир,

композиция имкониятларидан фойдаланадилар. Демак, маҳобатли рангтасвирда асосий ифода воситаси ранг бўлиб қолаверади.

Маҳобатли рангтасвир асарининг яратилишида маълум тартибга риоя қилмоқ зарур, одатда, мусаввир тасвирий асар ёки девор устидаги ишни унча катта бўлмаган ўлчамдаги бир қанча эскиз ва чизгиларни бажаришдан бошлайди. У, бу эскизлар ёрдамида ўз ижодий фикрини аниқлаб олади. Шундан сўнг мусаввир бўлажак ижодий асарини тасвирлай бошлайди.

У қаламдан, кўмирдан ёки суюлтирилган бўёқдан ва ингичка мўйқаламдан фойдаланиши мумкин. Асарни эскиз-чизгисини бошқа текисликка кўчириш зарур бўлиб қолса, хитой қоғози ёки картондан фойдаланилади. Баъзан мусаввирлар ижодий ишнинг бу босқичини четлаб ўтадилар, дастлабки қалам тасвирини туширмасдан, бевосита бўёқлар билан чиза бошлайдилар.

Бўёқларни текислик юзасига суртишнинг кўп усуллари мавжуд, баъзи мусаввирлар лессировка усулидан фойдаланишни афзал кўрадилар ва куруқ бўёқли қатлам устига нозик, ёрқин иккинчи қатламни суртадилар. Бошқалари зарур ранг ечимига бирданига, бир марта бўяш орқали эришадилар. Учинчилари эса суркама усулида мўйқалам тортиб бўёқ берадилар.

Мусаввир бир вақтнинг ўзида чизматасвир, композиция, шакл, ҳажм чиқариш, фазовий хусусиятларни бериш ва ранг уйғунликлари устида ишлаши мумкин. Бунинг учун у, кучли кузатиш хотирасига, қалам билан аниқ чизиш қобилиятига, композиция тасаввурига, рангларни ҳис қилиш фазилатига эга бўлмоғи керак. Аксарият мусаввирлар ўз ижодий ишларини умумийликдан қисмларга бўлиб ишлашни афзал кўради. Улар бутун ҳажмни назарда тутган ҳолда, ранг устида иш олиб борадилар. Шундан сўнг тасвирнинг ранг уйғунликларини ва колоритини аниқлайдилар. Асарнинг яхлитлигига эришиш учун ортиқча қисмларни олиб ташлаш, контрастни юмшатиш, бош ғояни бўрттириш керак бўлади.

Маҳобатли рангтасвир инсоннинг мураккаб ақл — заковати, тафаккурини, табиатда содир бўлиб турадиган катта — кичик ўзгаришларни, узлуксиз фалсафий ғоялар ва фантастик образларни таъсирчан ифодалашга қодир. Ҳодиса, воқеа ва кўринишлар доирасининг тўлалиги турли йўналишдаги жанрлар орқали очиб берилади.

Асосан табиат акс эттирилган сураатлар — манзара кўринишлари XVII асрда Голландияда яратила бошланди. **Манзара жанри** нафақат табиат манзараси асарлари, балки табиатнинг чексиз хилма хиллиги ва йил фасллари, турли об-ҳаво шароитлари, офтоб ёки ой ёруғи тасвири, гўзаллик, инсон хис туйғуси, кайфияти ҳақида ҳам сўзлаб беради. К.Коро, Ван Гог, П.Сезанлар яратган манзараларни бир—бирига таққослаб кўринг, бунда сиз реал табиатан турлича образлар келтириб чиқарилганлигини кўрасиз.

Бунга асосий сабаб мусаввир шахсидир. Мусаввир ҳар доим ҳам кўрганини асл ҳолда чизавермайди, балки маҳобатли рангтасвирга ўзининг ички ҳиссиётларини қўшиб юборади. Ҳар бир мусаввирнинг ўзи севган ранг уйғунлиги, услуби, рангларга ўз муносабатлари мавжуд.

Агар мусаввир фақат денгиз манзарасини тасвирламоқчи бўлса, уни Морена деб аташади. Бу ҳам мустақил жанр ҳисобланади. И.Айвазовский асарлари бу жанрга ёрқин мисолдир.

Баъзи мусаввирлар ўз ижодларини ҳайвон ва қушларни тасвирлашга бағишлайди. Улар **анимал жанр** асарларини яратадилар. Бу жанрни одатда озчилик маҳобатли рангтасвирчи рассомлар танлашади, бироқ график ва ҳайкалтарошлар турли ҳайвонлар, уларнинг бошларини чизиш ва тасвирлашни жуда ёқтирадилар.

Мусаввирлар **тарихий жанрда**, кўп одамли композициялар, реал ранг ечими бўлган асарлар яратишга қизиқадилар. Ўтмиш воқеалари, дин ва халқлар тарихи, дoston ва қиссаларда қуйланган паҳлавонлар даври уларни илҳомлантиради. Кўплаб рассомлар ўзбек дoston, эпослари

қахрамонларини тасвирлашда катта ижод муваффиқиятларига эришганлар.

Кўплаб мусаввирлар ўтмишдаги мутафаккир аجدодлар ҳаёти, улар қолдирган маънавий мероси, илмий кашфиётлар ва гуманистик руҳдаги фикрларни ўз асарларида ифода этганлар. Бу композициялар яхшилик, гўзаллик каби қадриятларга мос ранг уйғунлигида юксак маҳорат билан бажарилган.

Матода фақат муҳим қахрамонона воқеаларни тасвирлабгина қолмасдан, балки одамларнинг кундалик юмушлари ва оддий турмушини ҳам ёритиш мумкин. Бу каби тасвирий асарлар **маиший жанрга** киради. Гоҳида уларни жанрли маҳобатли рангтасвир деб ҳам атайдилар.

Тарихий ва маиший жанрларда иштирокчиларнинг ўзаро уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, образлар характери одатда жанрлар воситасида ечим топади. Биз аввало асар сюжетини кўздан кечириб, қандай нарса тасвирланган, қахрамони ким, бу воқеа қачон бўлиб ўтганлигига қизиқамиз. Шундан сўнг мусаввирнинг услубини, у ёки бу нарсани қандай тасвирланганлигини, бўёқни қандай қўллаганлигини (суркаб ёки оқизиб) ва у танлаган колоритни кузатамиз. Шундай экан, тасвирдаги кайфият ва унинг ҳиссиётига таъсири ранг танлашга боғлиқ бўлади. Тасвир колорити-қувончли ва қайғули, беозор ва ташвишли, жумбоқли ва ошкора бўлиши мумкин.

Мусаввир рангтасвир воситалари кўмагида бетакрор ижод асарлари яратиб, бизни ҳайратга солади, дилимизга қувонч бағишлайди, турли кечинмалар орқали руҳимизни озиқлантиради ва ўз маҳорати билан сирли фикрларига ошно қилади. Бундан ташқари мафкуравий илғор ғояларни, тарих ва миллий маданиятимизни акс эттириши янада долзарбдир. Масалан, қисқа муддат билан юртимизга ташриф буюрган сиёсий арбоблар, меҳмонлар авваламбор, барча халқларга бирдек таржимасиз тушунадиган санъат тили билан яратилган бойлигимиз- меъморий

ёдгорликлар, маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир, меъморий ҳаёкалтарошлик мажмуалари, санъат музейларини томоша қиладилар.

Маълумки, маҳобатли санъат ўз шамоилига кўра меъмориликдан холи тарзда мавжуд эмас.

1.2. Маҳобатли рангтасвир композицияси усуллари, уларнинг бинолардаги ўрни

Бирор бинога рангтасвир композициясини ишлаш учун мавзу танлашда, композиция ғоясини ишлаб чиқишга киришишда энг аввало мавжуд биноларда ўз аксини топган маҳобатли рангтасвир композициялари моҳият, мазмуни билан танишиш керак бўлади. Унда ифода этилган ғоя, фикрлар таҳлил қилинади. Бинонинг шаҳарсозликда тутган ўрни, унинг вазифаси билан танишилади ҳамда унга қандай мазмундаги композиция ишлаш мумкинлиги ҳақидаги ўйлаб кўрилади. Бинога мос кўринишда, мос келадиган ғояга эга композиция ишлаш учун хилма-хил эскизлар тайёрлаш керак бўлади.

Ҳар қандай мавзудаги композиция асарини яратиш учун ишлаётган рассом ўзи ишламоқчи бўлган мавзу юзасидан барча маълумотларни чуқур билиши керак. Айниқса бирор тарихий мавзуга қўл уришдан олдин ўша тарихий давр билан, ўша давр тарихий воқеалари, ўша даврда яшаган инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг кечинмаларидан рассом яхши хабардор бўлиши керак. Шундагина яратилган композиция асари ҳаққоний, таъсирчан кўринишда бўлади.

Бирор бинога деворий рангтасвир композициясини ишлаш керак бўлса энг аввало бино моҳияти, унинг утилитар вазифаси аниқланади. Кейин бинонинг ҳажмий-фазовий кўриниши, планировкаси, конструкцияси, қўлланилган меъморий элементлари билан танишиб чиқилади. Композициянинг жойлашадиган ўрни муҳим аҳамиятга эга- деворий сурат бино экстерьеридами ёки интерьерида. Ҳар иккала ҳолда ҳам бино умумий меъморий кўринишидаги қўлланилган материаллар доимо инобатга олинади. Юқорида айтилганидек, деворий сурат

характери энг аввало у жойлашаётган меъморий ҳажм материалига уйғунликда танланиши жуда муҳим.

Рангтасвир композицияларининг роспись, сграфитто, мозаика, витраж каби турларининг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлиб, улар жойлашиш ўрни, материал, фактура, пластик жиҳатдан турли кўринишларга эга. Масалан, роспись ишлаш мумкин бўлган жойга сграфитто ёки мозаикани ишлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди.

Сграфитто асосан бино экстерьерига ишланади ҳамда кўпинча узун деворларга ишлаш мақсадга мувофиқ. Роспись ва мозаика ўз моҳиятига кўра кичик ёки каттароқ деворларга, бино интерьер ва экстерьерига бирдай ишланиши мумкин. Витраж фақат дераза, эшикли жойларда ишланади. Лекин ҳар қандай композиция турини ишлашда меъморий бино ҳажмий-фазовий кўриниши, конструкцияси, материаллари фактураси, умумий ранги билан уйғанлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Композиция мавзуси албатта бинонинг амалий вазифасига, шаҳарсозликдаги ўрнига, кўриниш нукталарига, визуал идрок қилинишига боғлиқ ҳолда танланиши шарт.

Яратилаётган маҳобатли рангтасвир асарлари билан бу асарларни намоён қилиб турувчи меъморий бино хусусиятларини уйғунлаштириш вазифаси доимо бирламчи вазифа қилиб қўйилиши керак.

Деворий сураткашликдаги тасвир миқёси одам ва хона ўлчамларининг кўламига, ўзаро мутаносиблигига боғлиқ бўлган. Кузатиш масофасининг узоқ-яқинлиги, девор сатҳи ва баландлигининг катта-кичиклигига қараб, одам тасвирининг катталиги ярим натурадан икки натурагача қабул қилинган. Деворий суратлар паст ва юқоридан лентасимон нақш билан чегараланган. Бундай восита тасвирий санъат асарининг меъморий шакл билан боғланишини таъминлаган.

Дастлабки босқичда меъморчиликда қўлланилган тасвирий воситалар деворий чизгилар бўлган, кейинроқ ғор, чайла ва дастлабки уй-жойларда эшик, уй-рўзғор анжомлари (ўчоқ, мўри ва бошқалар), амалий

санъат намуналари кириб келган. Биноларнинг ташқи безак аломатлари ҳар қайси иморатнинг ўзига хослигини белгилаб беришга қаратилган.

Табиатнинг бадий ижоди чексиз. У ҳар қандай рассомга ҳақиқий илҳом бериб, палитрасини, колоритини бойитади, ранг-барангликка чорлайди, доимий янгиликка бошлайди., қалбини руҳлантиради. Санъаткор эса ҳаётга тақлид қилибгина қолмай, балки уни шоирона акс эттиради, ундан завқланади. Бунинг учун рассом олдида чексиз изланиш, янги услублар топиш каби буюк вазифалар туради. Шунингдек, шаблонлардан қочишга ундайди. Баъзида “ранглари чиройли” дейилганда бу сўз рассом учун унчалик маъно эмас. Ранглари чиройли қилишнинг ўзи кифоя эмас. Бундай ҳолатда картинанинг маъноси, ғояси эътиборга лойиқ эмас, рассом ўз олдига қўйган ижодий мақсадига эриша олмаган ёки у бутунлай бўлмаган. Етук рассом ўз ижодида картина ғоясидан мавзу, рангтасвир, чизматасвир, нур, колоритдан шаклнинг пластик уйғунлигини ажратмайди. Ана шулар композициянинг яхлитлигини таъминлайди.

Композиция тасвирий санъатда муҳим роль ўйнайди. Нафис тасвирий санъатда композиция ҳақида гапирадиган бўлсак, “композиция” сўзи лотинча бўлиб, баён қилиш, тузиш, жойлаштириш демакдир.

Асар яратишда мазмун ва ғоя шаклни ҳосил қилади. Яъни мазмун шаклни яратади. Шунинг учун ғоя туғилар экан, уни ифодалаш, шаклини, композиция қурилмасини яратиш асар муваффақиятини таъминлайди. Бадий ижодда композицияни мукамал билиш катта аҳамиятга эга. Яхши чизматасвир ёки рангтасвир устаси бўлиш мумкин, аммо фикрни ифодалаш қондасини, қонунини билмаса, яратилган асар ўз қимматини йўқотади. Композицияда ғоя (фикр), шакл (киёфа)лар уйғунлиги муҳим ҳисобланади. Ижодда олдин ғоя, мақсад (фикр) туғилади, кейин шунга мос шакл, киёфалар танланиб, бадий композиция яратилмоғи керак. Бир мавзу учун яратилган композиция бошқа мавзуга мос келмайди. Чунки шакл ва мазмун бирлиги бузилиб, натижага эришиб бўлмайди. Шунингдек, композицияда ғоя ва фикрни ифодалаш учун ранг колорити ҳам зарур.

Композиция қурилмаси (тузилиши)ни ишлашда ўзининг талаб ва қоидалари мавжуд. Бундан ташқари, рассомнинг ҳам дунёқараши, эстетик диди, фуқаролик позицияси муҳим рол ўйнайди. Асарнинг муваффақияти композицияга кўп жиҳатдан боғлиқ. Мавзу, ғоя, композиция қутилмаганда бирон воқеа ёки шакллар уйғунлиги натижасида ҳам туғилиши мумкин. Бошқа янги фикрга сабабчи бўлиб янгича композиция яратилиши ҳам амалда учраб туради.

Чизиқлар, ҳажмлар, шакллар, туслар, ёруғлик, ранг ва бошқа бадиий асар яратиш воситаларини ягона мақсадга йўналтириш, жойлаштириш композиция деб аталади. Рассомлар ўзига хос ижод усулини, ғоявий фикрини томошабинга жозибали, завқли қилиб етказиш учун ҳар хил шаклларни бирлаштириб ягона, такрорланмайдиган асар яратишни ташкил қилиши композициянинг зиммасида. Ҳар бир янги ҳақиқий санъат асарининг ғоявий мазмунига хос шакли, ўзига хос композиция ечими бўлади.

Айрим асарларда гарчи мазмун ёки ҳолатлар ўхшамасада, ғоясида ўхшаш ёки уни эслатиб юборувчи унсурлар бўлади. Ҳар бир асарнинг ўзига хос композицияси янги ягона ечими мавжуд бўлса, бу чинакам санъат асаридир. Битта мавзуга тааллуқли композиция ечимини, унинг конструктив схемасини, тузилишини ва усулини бошқа мавзу композициясига қўллаб бўлмайди. Алоҳида мавзуга алоҳида композиция янги қурилмаси бўлиши керак. Тасвирий санъат асарининг ҳамма тури ва жанрларида композиция ҳамма қисмларининг бир бутун бош тузувчи элементи, ташкил қилувчи ва боғловчиси ҳисобланади. Шунинг учун тасвирий санъатни мукамал ўрганувчилар композиция назариясини, усул ва қонунларини билиши шарт.

Жамиятда ва табиатда ўзаро боғлиқлик, қисмларнинг бир-бирига бўйсунishi объектив қонуниятдир. Ана шу қонуният бадиий асарга ҳам тааллуқлидир. Композиция яхлитлиги, бўлинмаслиги ҳам санъат асари учун қонундир. Бадиий асарда ғоя ва образ бирлигини, умумлаштиришни ва типиклаштиришни, композиция элементларини ва қисмларини бадиий образининг яхлитлигини бир мақсадга йўналтирмасдан туриб, тўлақонли

бадий асар яратиб бўлмайди. Бадий образ устида ишлашда композиция воситалари, мазмун ва шакл ҳамоҳанглиги изланмаса, мазмунни тўла ва чуқур ифодалаб бўлмайди.

Рассомнинг бадий ғояси қанчалик буюк бўлмасин, мазмун ва шакл бир-бирини тўлдирмаса, хизмат қилмаса, бундай бадий асар бўш ва амалга оширилмаган ҳисобланади, у томошабинга етиб бормайди. Мазмун ва шакл бир бутуннинг, яхлитликнинг икки томонидир. Катта реалистик бадий картинани томошабин биринчи қарашидаёқ мазмун, сюжет, қаҳрамонлар руҳиятига кўмилган шаклларни сезмайди, фақат бироз вақтдан кейин шаклларнинг ишловига, колоритига ва ранглар фактурасига эътибор бера бошлайди. Рассомнинг фикри, ғояси мазмун ва шакл ҳамоҳанглигида тўла акс эттирилган бўлса, композиция воситалари амалга оширилган ҳисобланади.

Рангтасвирда композиция- бу картина текислигида тасвир элементларини жойлаштиришда фикр (ғоя)ни равшан, аниқ ва тўлақонли жойлаштириш имконини беришидир. Бирор нарса ҳақида ҳикоя қилиш учун сўз керак. Аммо қизиқарли ва муҳим фикрни айтиш учун маъноли, ифодали сўз керак бўлади. Шунингдек, рангтасвир санъатида ҳам томошабинни тўлқинлантирадиган ва диққат-эътиборини қаратиш учун рассом кучли, ифодали тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Рассом ҳар қандай картина композицияси тузилишида тасвирни ва шаклни ифодали кўрсатишга ҳаракат қилади. Кераксиз нарсаларни олиб ташлайди, фақат кераклилари қолдирилиб, иккинчи даражалилари биринчи даражали қисмларига бўйсундирилади. Картина образли тузилишида тасвирланаётган нарсанинг ички мазмуни қувонч ва ҳаяжон уйғотиши керак. Шунинг учун композиция ҳамма элементлари, ҳар хил воситалари: мато ҳажми, текислик, кўриш нуқтаси, уфқ (горизонт) баландлиги, ёритилиш характери, композиция марказининг ўрни ва бошқалардан фойдаланилади. Булар ҳаммаси картинанинг завқли чиқишига таъсир қилади.

Санъат-инсон ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир қисми. У эҳтиёжга айлангач, жамоа, жамият интилишларини ифодалайдиган, акс эттирадиган кўзгу ҳисобланади. Санъат инсоният тарихида ҳаётни билиш, уни алоҳида воситалар ёрдамида акс эттириш ва жамоага муайян таъсир кўрсатиш орқали ижтимоий онг шаклларида бирига айланди, унга эндиликда фақат борлиқни ўзлаштирувчигина эмас, балки инсонни янги билим ва образли тасаввурлар билан бойитувчи қудратли бир куч деб қаралиши ҳеч кимга сир эмас. Биз суратларни шунчаки томоша қилгимиз келгани учун томоша қилмаслигимизни биламиз. Томошабин бирор сурат ёки тасвирий санъат асарини бирор янгиликни билиб олиш, бирор нарсани ўрганиш, ҳаётий тажрибамизни орттириш учун тоомша қилади. Ҳақиқатан ҳам бадиий кўргазмаларда кўпдан-кўп асарларни томоша қилар эканмиз, унда рассомнинг услубинигина ўрганмай, уларнинг ранг ва композицион талқинига ҳам эътибор берамиз. Бинобарин, бундан эстетик завқ оламиз, кўшимча билим, тасаввурлар ҳосил қиламиз.

Тасвирнинг яхлитлиги бу, кўришнинг умумий натижасигина бўлиб қолмасдан, балки энг муҳим композиция марказини белгилай олиш санъати ҳамдир. Рангтасвир асарининг композицион бутунлиги бош ва иккинчи даражали қисмларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Энг муҳим қисм одатда асар юзасининг оптик маркази яқинида жойлашади. Уни ажратишда рассом қисмларни умумлаштиради, натуралар композицион марказидан узоқлашётган тус ва ранг муносабатлари бўйсундирилади. Буларнинг барчаси томошабин нигоҳини асарнинг композицион марказига йўналтириш имконини беради. Маълумки кўрилатган объектнинг нигоҳий образи танлаш ва умумлаштириш натижасида вужудга келади. Инсон бир гуруҳ буюмга нигоҳ ташлаганида бирор бир нарса алоҳида ажралиб кўринади, қолган ашёлар нарсалар хира тортади, бу нигоҳ марказининг ҳосил бўлишидир. Нигоҳий образнинг марказий қисми энг кучли ёруғлик ва ранг контрастига эга. Рассом нигоҳий идрокнинг иккинчи даражали қисмларининг кўриниш хусусиятини ҳисобга олиши зарур. Композиция яхлитлиги кўп ҳолда

равшанликка, ифодавийликка ва иккинчи даражали деталлар сонига боғлиқ. Шунинг учун деталларни асосий ғояга бўйсундириш яхлитлик қонунининг талабидир. Қиёфалар ва деталлар сони ўзини оқлаши керак, акс ҳолда кўп қоматлилиқ асарнинг борўйини оширмаслиги ва етарли натижа бермаслиги мумкин. Кам детал (қиёфа)лар билан кўп маъно беришга интилиш лозим. Бундан ташқари картинада тасвирланаётган шаклларни томошабин томонидан аниқ ва енгил уқиб олинadиган қилиб тасвирлаш керак. Агар шакллар бири-бирини тўсиб қолган ҳолда ҳам уни англаб олишга имкон бўлиши зарур.

Асар яратиш жараёни бадиий жараён бўлиб, кўп изланишга, мукаммал билимга, тайёргарликка, маълум тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Тайёрланган чизгилар, этюдлар, йиғилган ашёлар асарнинг биринчи белгиларидаёқ тўғри келмаслиги, камлиги, бадиийлиги жиҳатидан ҳам пухта топилмаганлиги яққол бўлиб қолиши мумкин. Композиция ишлаш жараёнида тасвирланаётган буюм, унинг шакли ва рангини нур-соя, этюдлар билан таққослаш лозим. Зарур бўлганда, янгисини ишлаш ҳам керак бўлиб қолади. Бундай текширишлар, изланишлар ёш рассомни кўп хатоликлардан халос этади. Реал кўриниш (натура)дан кўшимча ашёлар йиғиш янгидан қарашга, янгича образ топишга, янги типик қиёфалар кашф этишга имкон беради.

Ижод рассом учун ҳам, бошқа санъатчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳар кимни ҳам яхши чизматасвирга, рангтасвирга, композиция тузиш қоидаларига ўргатиш мумкин. Аммо қалбни, юракни, руҳиятни ижодга ўргатиб бўлмаса керак. Ижод қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаслиги мумкин. Ижодкорда ғоя, фикр, дард бўлиши энг муҳим бўлса керак. Чунки бошқаларга фикрини айтиш учун қалбининг дрдн, ўз қарашн, интилиши бўлса, юракдан яратилган ижодий асари ҳам бошқалар қалбига йўл топиши мумкин. Ана шунда томошабин асарни тушунади, ҳси қилади, ҳамдард бўлади. Рассом қалбдан ёниб, таъсирланиб, ўз дрднн тасвирлай олса, бошқалар ҳам бундй асарни умрбод эсдан чиқармаслиги мумкин.

Бир мазмуннинг ўзи турли шаклларда ифодаланиши мумкин. Мавзуни ифодаладиган асосий воқеа-сюжет ҳам бадиий шакл

элементларидан бири ҳисобланади. Тасвир колорити, унинг кенг жиҳатдан ҳл қилиниши асар мағзини ташкил этувчи расмларнинг аниқ ишланиши кабилан шакл, рассомнинг ўзига хос услубига алоқадордир. Шакл ҳам, ғоя ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, улар ҳар доим ўзаро бир-бири билан боғлиқ.

Картинада ҳамма нарса асосий фикрга ва ғояга қаратилиши керак. Композиция яхлитлигида иккинчи даражали нарсалар биринчи даражали нарсаларга боғлиқ бўлиб, бутун тасвирни ягона мақсадга бирлаштиради. Иккинчи даражали нарсалар ортиқча диққатни тортиб, кўзга ташланмаслиги лозим. Асосий қисм ажратилиб тасвирланади. Агар картинада шакллар бир хил аҳамиятли бўлиб, пала-партиш тартибда жойлаштиришса, композиция ўз ифодалилигини, аҳамиятини йўқотади. Бу эса мазмуннинг барбод бўлишига олиб келади. Мазмун ижроси-бу, мтодаги тасвир (картина), ҳақиқий текислик ва у ҳам бошқа ҳақиқатнинг образини яртаишдир. Картина текислигидаги ҳақиқат тасвири рассом томонидан амалга оширилган образ ҳисобланади. Картина композицияси- бу текислик юзасидаги рнг доғлари ва чизиқлар ёрдамидаги шакллар гуруҳи, ҳаракат ва сюжет тасвир қурилмасидир.

Бир қоматли сюжетли композиция тузилиши портрет композицияидан фарқи шундаки, унда қоматнинг воқеа билан ҳаракат муҳити шакллар, ҳаракат билан аниқланади. Бир қоматли композиция ички ҳаракатини сақлайди. Бу композиция шахснинг монологидир. Кўп қоматли композицияда ҳам воқеликни тасвирлаш, муҳит ҳосил қилиш бир қоматли композиция каби рассом олдида қўйиладиган вазифалардир.

Рассом- бу ижодга берилган инсон. Картина рангтасвирчининг кўз олдида тугалланган меҳнат натижаси якунидир. Унда фикр, ғоясини изҳор қилади, ҳис сезгисини кенг ёритади, ўз муҳаббатини изҳор қилади. Картина рассомнинг ижодий ҳаёли асосида яратилади, кўрсатилади, унинг кучи ва муҳим томони ҳам ана шундадир. Картина фотосурат каби ҳужжат эмас. У шу замон кишиларининг туйғусини ва фикрини акс эттиради.

Картина композицияси деганда, чегараланган текислик юзасида сюжет, маъно берадиган тасвир қурилмасини тушунамиз. Сюжет сўзи кенг

маънодаги тушунча бўлиб, ўйлаб топилган ҳаётий воқеалар асосида қурилиши мумкин. Аммо картина сюжети чегарланиб, текислик юзасида чизиқлар ва ранглар кўринишида шакллар, ҳаракатдаги қиёфалар, вақт ва макон дунёси, шаклий олам акс эттирилади. Сюжет картинада, рақс, музика ва бошқа тилларда тасвирланади.

2 БОБ. МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРЛАРИДА ЁРИТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР

2.1. Маҳобатли рангтасвирда роспись услуби

Ўзбекистон маҳобатли деворий рангтасвирининг илк тарихи, хусусан қадимги лой ёки сополдаги идиш парчалари ҳамда қоятош, ғор деворларидаги примитив суратлардан, мезолит давридаги ажойиб ёдгорлик- Зараутсой петроглифларидан бошланади, деб ҳисоблаш мумкин. Қоятош суратлари дастлабки масканлар- ғор ва бошпаналар деворий сураткашлигининг келиб чиқишида асосий манба ролини бажарган.

Энг қадимги деворий рангтасвир асарлари ғорлар ва қоялар деворларининг оҳактошли сиртида бевосита ҳеч қандай тайёргарликсиз тўғридан - тўғри амалга оширилган. Уларнинг деворларида рангтасвир энг оддий бўёвчи моддалар ёрдамида бажарилган. Қўлланилган ашёларнинг мутлақо оддийлигига ва унинг техникасининг мураккаблигига қарамасдан мазкур қадимий ғорли ва қоявий асарларнинг кўплари ниҳоятда яхши ҳолатда кўп минг йилликлар мобойнида сақланиб қолган. Шунингдек маҳобатли рангтасвирнинг қадимги намуналари сифатида Миср, Крит - Микен, Қадимги Римнинг Помпей ва Геркуланум шаҳарлари, қадимги антик давр Грецияси, қадимги Рус маҳобатли рангтасвир технологиясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Географик ўрни, ажойиб табиати сабабли қадимги овчи, термачи ва чорвадорлар учун энг қулай жойлардан бири бўлган Тошкент воҳасида ҳам қадимий қоятош расмлари ёдгорликлари топилган. Бугунги кунда уларнинг умумий сони 10000 нусхадан ортиқдир.² Бу ажойиб қадимги санъат асарлари жуда жонли ва ҳаракатчан ҳолда, бир неча услубда акс

² Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий воситаларни уйғунлаштириш. “Санъат” нашриёти, Тошкент-2010

этирилган. Улар қадим замонлардан то кейинги даврларгача уриб чўкичланган. Тошкент воҳасидаги баъзи бир қоятош расмлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар Марказий Осиёдаги шу хилдаги ёдгорликлар орасида алоҳида ўрин тутди. Воҳадан қандайдир хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча қоятош расмлар марказлари топилган ва ўрганилган. Ана шундай қоятош расмлари ёдгорликлари қаторига Хўжакент, Қорақиясой, Бошқизилсой, Чотқол, Паракадасой, Охангарон ва бошқаларни киритиш мумкин.

Хўжакент қоятош расмлари ёдгорлиги Тошкент шаҳридан 70 км. шимоли-шарқда, Чотқол тоғларининг ғарбий ёнбағрида ва Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида жойлашган. Бу ердаги расмлар баландлиги 12,5 метр, узунлиги 18 метр бўлган, тик оҳактошли қояга уриб чўкичланган. Расмлар асосан қоянинг пастки, яъни одам бўйи баландлигидаги қисмида жойлашган. Хўжакент қоятошларида 90дан ортиқ алоҳида ва композицион ҳолдаги ҳар хил расмлар бирлиги аниқланган. Қоя сиртига асосан тоғ эчкилари, архарлар, кийиклар, отлар, итлар, буқа ва тушунарсиз расмлар чизилган. Булардан ташқари Хўжакент қояларида одамларнинг расмларини ҳам учратиш мумкин. Расмлар соя, контур ва оддий чизиқли услубларда акс этирилган. Уларнинг деярли ҳаммаси бир хил урилиш техникасида ишланган.

Хўжакент расмлари турли мавзуларга бағишланган бўлиб, қадимги одамларнинг турмуши ва диний тушунчаларини қамраб олган. Бу расмлар қадимги аجدодларимизнинг нафис санъати намуналари бўлиб, тасвирий санъатнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўтмишнинг жонли гувоҳларидан бири бўлган Афросиёда ва бошқа жойлардаги қазилмаларда топилган деворий суратлар кимнинг эътиборини тортмаяпти, ҳайратга солмаяпти, фахрлантирмаяпти. Бой тарихни қайта тилга киритаётган археологлар бундай мўъжизаларни кўплаб кашф этмоқдалар, ҳалқнинг моддий маданий ёдгорликларини тикламоқдалар. Соҳиби қилқаламлар ўтмишда киши кўрганида таҳсин

ўқийдиган деворий расмларни, безакларни кўплаб ишлаганлар ва ишлаб келмоқдалар.

Ўрта Осиё деворий сураткашлиги қуруқ тағқатламли (грунт) оҳакли девор юзасида (аль-секко) мовий ёки қирмизи сингари яхлит заминда чизиш усулига асосланган.³ Илк ўрта асрларда деворий сураткашлик меъморий шакллар (эшик, гумбаз, шифт, девор, устун), ҳайкалтарошлик, амалий санъат (ўймакорлик, нақшбандлик, бадий текстил) билан биргаликда тўрт бадий восита синтезини қўллаш воситасида кенг қўлланилган.

Ўрта Осиё деворий сураткашлиги 11-13 асрларда ҳам қисман қўлланилганлиги аниқланди. Унинг асосий қайта тикланиши Амир Темур ва темурийлар даври саройлари меъморчилиги ва ўша давр китоб миниатюрачилиги билан боғлиқ. Унинг ўрнини 9-19 асрларда асосан нақш санъати эгаллаган бўлсада, миниатюра ва панноли тасвир анъаналари сақланиб қолди.

Йиллар, асрлар давомида маҳобатли деворий суратлар ишлаш техникаси ривожланиб келди ва унда турли услублар-турлар шаклланди.

Рангтасвир композицияларининг роспись, сграффито, мозаика, витраж каби турларининг ҳар бири ўз хусусиятига эга бўлиб, улар жойлашиш ўрни, материал, фактура, пластик жиҳатдан турли кўринишларга эга. Масалан, роспись ишлаш мумкин бўлган жойга сграффито ёки мозаикани ишлаш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди.

Сграффитто асосан бино экстерьерига ишланади ҳамда уни кўпинча узун деворларга ишлаш мақсадга мувофиқ. Роспись ва мозаика ўз моҳиятига кўра кичик ёки каттароқ деворларга, бино интерьер ва экстерьерига бирдай ишланиши мумкин. Витраж фақат дераза, эшикли жойларда ишланади. Лекин ҳар қандай композиция турини ишлашда меъморий бино ҳажмий-фазовий кўриниши, конструкцияси, материаллари фактураси, умумий ранги билан уйғанлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

³ Ўзбекистон санъати. А.Ҳакимов. Шарҳ, Т- 2001. – 240 б.

Сграффито усули махсус деворларни сувоқ қилиш йўли билан бажарилади. Бунинг учун ҳам бир рангли композицион унсур ўша рангли аралашма билан сувалади. Ортиқча сувоқ олиб ташланади. Керакли жойларининг сувоқлари қолдирилади. Натижада рангли ўйиқ ва бўртма композиция ҳосил бўлади. Метрода шундай композициялар мавжуд.

Мозаика (француз. Mosaïque – музаларга бағишланган) бир хил ёки турли хом ашё (кошин, тош, ёғоч, мрамор, металл ва бошқа) бўлакларидан ишланган тасвир, нақш. Маҳобатли (монументал) безак санъатининг асосий турларидан бири. Асосан, бинолар, амалий санъат асарларини безашда, дастгоҳ санъати асарлари яратишда қўлланилади. Мозаика йиғишнинг икки хил усули фарқланади: мустаҳкамловчи модда (оҳак, цемент, мум ва бошқалар) суртилиб, безатилаётган юзага майда бўлақлар тўғридан-тўғри териблиб, нақш (тасвир) ҳосил қилинади; тескари теришда расмли қоғоз ёки матога бўлақлар ўнг томони билан ёпиштирилади, сўнг тескари томонга мустаҳкамловчи модда суртилиб, безатилётган юза (девор ёки шифт)га бириктирилади. Мозаиканинг алоҳида тури-инкрустация.

Демак мозаика ҳар хил рангдаги табиий, сунъий тош (малта), рангли ойна, кошин парчаларидан деворга ёки қаттиқ материал жисмларга елим, цемент каби моддалар ёрдамида ёпиштирилган санъат асари.

Мозаика меъморчилик безагининг энг қадимий тасвирий санъат турларидан бири ҳисобланади. Мозаика ҳозирги вақтда ҳам ўз қимматини йўқотмай, бадий жихатдан ривожланиб, янгидан-янги усуллари пайдо бўлмоқда.

Фреска усулида ишланган композициялар пухта ва узок муддат давомида сақланади. Фрескали рангтасвирнинг замонавий имкониятлари мавжуд. Улар Ўзбекистонда ҳам кўп қўлланилган. Ўзбекистон Давлат тарихи музейи, Космонавтлар метро бекатидаги фрескаларни

Б.Жалолов, А.Навоий номли опера ва балет театридаги фрескаларни, Ч.Ахмаров ва бошқа маҳобатли рангтасвирчи рассомлар бажарганлар.

Маҳобатли безак санъатининг энг гўзал ва чиройли турларидан бири **витраждир**. Витраж меъморчилик биноларида кучли рангли тасвир сифатида кўзга ташланади. Готика меъморчилигида ибодатхоналар қурилишида витраждан кенг фойдаланилган. Замонавий биноларда ҳам у безак ва тасвирий санъат тури сифатида ўз қимматини йўқотмаган.

Табиий ашёлар- ёғоч, тош, металл кабилардан ташқари инсон томонидан яратилган сунъий ойна-шиша ва ойнага ранг бериш ҳаётда кенг қўлланиб келинмоқда. Замонавий шиша саноати истаган рангли ойна ишлаб чиқариш имконини беради. Шундан келиб чиқадики, витраж ишлаб чиқариш ҳам кенг имкониятларга эга.

Маҳобатли рангтасвир санъати билан меъморчилик биноларини безаш турларидан бири темперада ишланадиган деворий расм-**росписдир**. Бу усул бугунги кунда энг кўп тарқалган. Темпера бўёқ тайёрлайдиган заводлар томонидан кўп рангларда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса роспись ишлаш учун рассомларга қулайлик яратмоқда. Темперанинг козеин мойли ва поливинилацетат турлари мавжуддир.

Темпера бўёғи билан ишлаш маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир ишлашнинг қадимий усулларида бири.

Темпера маҳобатли рангтасвир ишлашда мойбўёққа нисбатан афзалликка эга бўлиб, бўёқ юзаси ялтирамайди ва чидамли, мустаҳкамдир. Деворий расмда мойбўёқ бироз қораяди ва ёрилиши мумкин. ⁴

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, темперада ишланган деворий расм мойбўёққа нисбатан чидамли эканлиги маълум. Масалан, икона алиф билан қопланиб қораяётган бўлсада, темпера бўёқ ранги ўз

⁴Формозов А.А. Памятники первобитного искусства, 101-бет.

кучини сақлаб қолган. Тасвирий санъат ривожланиши жараёнида рассом усталар темперани табиий эмульсия қўшиб тайёрлаганлар. Одатда бўёқ кукунига елим, мой ва лок қўшиб тайёрлаганлар. Таркибида мойи бўлган темпера сувда ювилиб кетмайди.

Рассом темпера билан ишлаётганида бўйқ қуригандан кейин бироз оқаришини эътиборга олиши керак. Темпера бўёғини бир неча бор устма-уст суртиш мумкин. Суюқ ва қуюқ бўёқларда ҳам ишлаш имконияти мавжуд. Темперада ишланган рангтасвир ўзгача гўзалликка эга бўлиб, мураккаб ранглар жилосини ҳосил қилади. Чунки рангли қатламлари бири-бири билан қўшилиб, учинчи рангни ҳосил қилиши мумкин.

Мойбўёқ эса бу даражадаги имкониятга эга эмас. Мойбўёқ қатлами бироз қалин бўлса, тагидаги ранг қатламини ёпиб қўяди.

Роспись-деворий расм тури бўлиб, кўпинча тайёр бўёқлар: козеинли бўёқ, полевинилацитат бўёқ, тухумли бўёқ, акрил бўёқ каби рангли бўёқлардан қуриган цементли , оҳакли- алебастр сувоқли девор, ДСП плита, фанера ва бошқа материаллар юзасига бажарилиши мумкин.

Бунда деворни тайёрлаш фрескага ўхшаш бўлиб, сувоқ юзаси шпаклевка билан текислаб чиқилади ва грунт сурилади. Грунт учун сут, суюлтирилган козеин елимидан фойдаланиш мумкин. Грунтнинг вазифаси бўёқни сувоқда яхши ушлаб туриши учун зарур. Шунинг учун деворга олдиндан тайёрланган грунт суюқлигини каттароқ қилчўп билан икки-уч марта текис қилиб суртилади. Яхши қурилган деворга картон-калка орқали тасвир кўчириб ўтказилади ва аста-секин идишларда тайёрланган рангли бўёқлар билан ишлов бериш бошланади. Деворий расмнинг мукамал ва чиройли чиқиши рассом маҳоратига боғлиқдир.

2.2. “Катта ашула” композициясининг таҳлили

Санъат-ижтимоий онг шакли, объектив борлиқнинг бадий иникоси, яъни атроф-муҳитда кечаётган воқеа-ҳодисаларни турли бадий воситалар орқали ифодаловчи ижод туридир. Ана шундай ижод намоёндаларини эса санъаткор сифатида қабул қиламиз. Бугунги санъаткорнинг вазифаси энг аввало замондошларимиз маънавиятини юксалтирадиган, уларнинг ички оламини, бадий тафаккурини бойитадиган бетакрор асарлар яратишдан иборат.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуслари билан барча ижод аҳли-адабиёт, санъат ва матбуот соҳалари барча турдаги мафкуравий чекловлардан бутунлай озод қилинди. Санъат аҳли учун эркин ижод қилиш, асрлар давомида қалбимизни ҳайратга солиб келган миллий кадриятларимиз, анъаналаримиз, тарихан шаклланган бой маънавиятимиз, халқимиз ўтмиши ва бугунги сермазмун ҳаётимизни тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун барча имкониятлар, шароитлар яратилган. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, эндиги асосий вазифамиз- ҳозирги вақтда бутун дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ёшларимизни ҳимоя қилиш, бузғунчи ғоялар, уларнинг онгу-тафаккурига ўрнашиб олишига йўл қўймасликдан иборат. Лекин миллий маънавиятимизга ёт, бегона бўлган ана шундай “маданият” кўринишларини фақат танқид қилиш, инкор этиш, таъқиқлаш орқали ижобий натижага эришиш қийин. Бу йўл хато эканлиги амалда ўз исботини топган. Ёшлар онгида маънавий бўшлиқ бўлмаслиги учун энг аввало эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган нодир санъат асарлари орқали уларнинг қалбини забт эта олишимиз зарур. Шу йўл билан ёшларнинг маънавий савиясини юксалтириш, жаҳон майдонида тобора авж олаётган кескин ақл-заковат ва истеъдодларни кашф этиш мусобақасида ҳар қандай беллашувларга қодир

бўлишимиз мумкин. Бунинг учун бизда етарли даражада ижодий салоҳият, бадиий маҳорат соҳиблари мавжуд. Уларни фақат ватанимиз равнақи йўлида бир мақсад сари бирлаштиришимиз, аниқ йўналишларни кўрсата олишимиз лозим.

Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида санъатнинг қатор турларига баҳо беради, замондошларимиз маънавий камолотида мусиқа санъатининг ўрнига алоҳида тўхталади. Зеро, мусиқа асарлари чегара билмайди. Соз қайси миллат вакиллари томонидан ижро этилмасин, уни ҳамма бирдек яхши тушуна олади, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни англаш учун ҳеч қандай изоҳ ҳам шарт эмас. Аммо кейинги вақтларда фақатгина шовкин-сурондан иборат бўлган Ғарб эстрадасининг тушунарсиз йўналишларига ҳам ёшларимиз билиб-билмай тақлидлар қилаётгани, ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишларимиз кўлами кенг эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбек мусиқа маданияти, хусусан кўшиқчилик соҳаси қадимий ва ранго-ранг, айти пайтда янги замон анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда аввало беназир халқ кўшиқчилиги, мумтоз кўшиқчилик мероси, шунингдек халқ ҳаваскорлиги ҳамда жўшқин оммабоп эстрада кўшиқчилиги ижодиёти каби шаклан ва услубан ниҳоятда сержило жабҳалар намоён бўлади.

Истиқлол шарофати билан миллий-маънавий қадриятларимизга бўлган диққат-эътибор, унутилаётган анъаналаримизни тарихан қисқа муддат ичида қайта тикланиши, муттасил тараққий эттириш мақсадидаги янгиланиш, ислоҳ этиш жараёнларида устиворлик касб этди. Шунингдек кўшни ва узоқ хорижий мамлакатлар билан маданий-мусиқий алоқаларни ўзаро бойитиш йўлида ривожлантириш саъй- ҳаракатлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Собик шўро даври мафкураси исканжаларида бўғилган ўзбек кўшиқчилик меросининг Шарқ халқлари анъаналари билан тарихий алоқалари янги босқичга кўтарилди ва ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйила

бошлади. Айнан шу маданий алоқалар, қўшиқнинг илоҳий таъсир кучи ва ўзбек халқининг бой қўшиқчилик меросининг аҳамияти ва мавқеини, унинг Шарқ қўшиқчилиги билан муштараклигини назарда тутган Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда” деган сўзлари юқоридаги фикрлар исботидир.

Бугунги ўзбек қўшиқчилик санъатининг жаҳон сахналарида эришадиган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Бунга хусусан Ўзбекистон композиторлари асарларининг йирик ва нуфузли хорижий ижрочи жамоалари репертуарларидан ўрин олиши, етук санъаткорларимизнинг турли мамлакатларда муваффақият қозонган гастрол ва концертлари ёрқин мисолдир. Шунингдек шу йилларда элликдан ортиқ ёш истеъдодли созанда ва хонандалар нуфузли Халқаро танловларнинг совриндорлари бўлишди.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек, “Маънавият- инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир”. Ушбу олий мақсадларни ҳаётга жорий этиш соҳасида республикамызда турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Бу борада президентимизнинг ва республика ҳукуматининг кейинги беш йилликда эълон қилган фармон ва қарорлари ўзбек қўшиқчилик санъатининг янада ривож топишига ва юксалишига қаратилган. Шунга мувофиқ охириги йилларда республикамызда ва унинг мусиқий ҳаётида тарихий воқеалар ва муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ушбу йилларда ўзбек эстрада саъвати ҳам қатор ютуқларга эришди.

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадиий инъикосини топган. Уламоларимиз берган таърифлардан бирига кўра, мусиқа, хусусан қўшиқ- инсон руҳининг озиғидир. Бинобарин, миллий мусиқа ва қўшиқчилик кўп асрлар давомида аجدодларимиз бой маънавиятининг, теран тафаккурининг, баркамол руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси

ва айна пайтда янги, буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон озиғидир.

Мустақиллик йиллари ўзбек анъанавий музыкасига, қўшиқчилигига эътибор янада кучайди. Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг тикланиши музыка ва қўшиқчилик соҳасида ҳам анча ўзгаришларга сабаб бўлди. Қадимий миллий музикамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда янги жанр ва турларни ўзлаштириш натижасида ўзбек музыка ва қўшиқчилик санъати яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Шу боисдан республика миқёсида кўплаб кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда.

Республикамизнинг Истиқлолга эришиши муносабати билан азалий халқчил қадриятларни тиклаш, шу жумладан бадиий-музикаий меросимизни атрофлича ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлиш учун етарлича имкониятлар вужудга келди. Эндиликда эски мафкура тобеълиги остида эътиборсизлик оқибатида анчайин сусайиб қолган, айрим мисолларда эса унутилаётган ўзига хос миллий қадриятларимиз қаддини ростлай бошлади. Турфа маҳаллий анъаналар, бадиий баркамол айтим ҳамда чолғу куйларидан иборат халқ музыка ижодиёти дурдоналари нуфузли халқ тантаналари ва муҳим саналарга бағишланган байрамларда тараннум этила бошлади.

Миллий қўшиқчилигимиз мавқеини халқ орасида янада оширишга оммавий ахборот воситалари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Қўшиқчилик ижодкорлиги барча йўналишларининг пойдевори ҳисобланмиш халқ қўшиқчилиги эркин ва тўлақонли ривож топгани сари унинг шифобахш маънавий таъсири ажойиб бадиий ютуқларда тобора намоён бўлмоқда. Халқ қўшиқлари намуналари ҳозирда мавжуд барча замонавий ижодкорлиги- бастакорлик, композиторлик, оммавий эстрада соҳалари учун бебаҳо манба, миллий ижтимоий оҳангларнинг “соф булоқлари ” бўлиб қолажак.

Қўшиқлар ёрдамида маънавий баркамол инсонни шалклантириш ғояси эндиликда мустамлака даврининг сунъий тарздаги тўсиқлари, йўналишлари ва сохта бунёдкорликка асосланган мураккаб тамойилларидан бутунлай воз кечишни тақозо этади. Айтиш жоизки, Мустақиллик даври қўшиқчилик санъати оддий жараён бўлиб қолмасдан, миллий ижрочилик ғояси асосида шаклланди ва миллий-маданий юксалишини таъминлашда муҳим омил сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Зеро, санъатнинг бу тури мустақиллик ғояси кесимида шаклан ва мазмунан бойиган ўзбек миллий созандалигининг барча кўринишларини ўзида уйғунлаштирган бадий фаолият натижасининг ижобий намунасидир.

Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга қўшиқ санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида қўшиқ азалдан бекиёс ўрин тутиб келади. Зеро қўшиқчилик ва мусиқа санъати кадимдан ривожлани, сайқалланиб келган. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради.

Мусиқа, қўшиқ садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди”, деган маълумотларни келтиради.

Мустақиллик йилларида, улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа ва қўшиқчилик санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида

кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро мусиқа ва кўшиқ анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Барчамизга аёнки, куй-кўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа ва кўшиқ санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавийат руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда. Бу масалада кўплаб мухлислар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган мумтоз кўшиқчилик санъатининг аҳамияти бекиёс эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Менинг диплом ишим учун танлаган мавзуим қисқа умри давомида мумтоз мусиқа санъатимизни янги, юксак босқичга кўтарган Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовга бағишланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами қатнашчиларига мурожаатида: “Ҳеч шубҳасиз, ўзбек мусиқа санъати тарихида, айниқса, унинг XX асрдаги равнақи ва таракқиётида беназир овоз соҳиби, оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг нечоғли буюк хизматлари борлигини барчамиз яхши биламиз”, - деган эди.⁵

Қайд этилишича, она юрт гўзаллигини, Ватанга муҳаббат, севги ва садоқат, эзгулик, меҳр-оқибат каби юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган Комилжон Отаниёзов ҳам ҳофиз, ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида бетакрор ижодий мактаб яратиб, тарихимизда ўчмас из қолдирди. У яратган кўшиқлар миллионлаб инсонлар қалбидан чуқур жой

⁵ <https://kun.uz/news>

эгаллаб, халқ ижоди намуналарига айланиб кетгани ҳам бу улуғ санъаткорнинг қандай нодир истеъдод соҳиби бўлганидан далолат беради.

Санъат воситасида халққа хизмат қилишни ўз ҳаёти, бутун борлигининг маъно-мазмунини деб билган Комилжон Отаниёзов қисқа умри давомида мумтоз мусиқа санъатимизни янги, юксак босқичга кўтарди. Ўзининг ғоят ноёб, айтиш мумкинки, илоҳий ва соҳир овози билан ўзбек маданиятини, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этди.

Таъкидланишича, бу улуғ инсоннинг яна бир унутилмас хизмати шундаки, у ўзининг қалб кўри, меҳри ва саховатини бағишлаб, ўнлаб истеъдодли шогирдларни камолга етказди. Бугун нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонган кўплаб ҳофиз ва санъаткорлар уни ўзларининг маънавий устози деб биладилар.

Комилжон Отаниёзов ўз шеърларидан бирида: “Ўйласанг ўз бахтингни, эл бахти бирлан ёр эт, Эй, Комил, номингни сен яхшилар ичра бор эт”, деб ёзган ва бу ҳикматни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган шахс эди. У фақатгина ўз сози ва овози билан эмас, балки гўзал инсоний фазилатлари билан ҳам барчага ўрнатилган ва намуна бўлган буюк санъаткор эди. Унинг санъатга фидойилиги, тўғриси ўз ва самимийлиги, одамларга меҳрибонлиги ҳанузгача тилларда дoston бўлиб келаётгани бежиз эмас”, - дейилади Президент мурожаатида.

Таъкидланишича, мустақиллик йилларида маданиятимизнинг барча улкан намояндалари қаторида Комилжон Отаниёзов хотирасига ҳам муносиб ҳурмат ва эътибор кўрсатилиб, у 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримовнинг фармонида кўра “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани айни эл-юртимизнинг кўнглидаги иш бўлган эди.

“Устоз санъаткоримиз хотирасини абадийлаштириш, унинг биз – авлодларга қолдирган ўлмас меросини ўрганиш, ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бундай беқиёс бойликни келгуси авлодларга безавол

етказиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимиз халқимизнинг фидойи фарзанди хотирасига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг яна бир ифодасидир”, - деган эди биринчи Президент.

Қайд этилишича, устоз санъаткор туғилиб вояга етган Хоразм заминида унинг уй-музейи ташкил этилгани, Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод қилингани, Урганч туманида ҳофиз хотирасига аталган боғ ва ижод маркази барпо этилиб, у зотнинг табаррук сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилгани айниқса эътиборга лойиқдир.

Бугун биз олижаноб инсон, беназир ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг сўнмас хотирасини шарафлаб, унинг ҳаёт ва ижод йўли, ибратли фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бир фикрга қайта-қайта амин бўламиз. Яъни, токи дунёда санъат деган буюк мўъжиза бор экан, ер юзида ўзбек деган халқ яшар экан, Комилжон Отаниёзов номи ҳам барҳаёт, у ўзининг умрбоқий кўшиқлари билан абадий яшайди. © records.

Буюк ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг қудратли овози, улуғ шахсияти эл ичида афсоналарга айланган. Комилжон Отаниёзовнинг "Раҳматнома" номли шеърида шундай мисралар бор:

Мендан олдин ким келса гўзал санъат ичига,

Барчасини пеш тутдим, бўлди ходироҳ менга.

Дарҳақиқат, бу мисралар улуғ ҳофиз санъатининг камтарона, холис ва гўзал тасвирларидир. Комилжон Отаниёзовнинг улуғ санъаткор бўлишида оилавий муҳитнинг ўрни катта. Отаси шоир, таржимон, мударрис, "Қуръони Карим"ни ёд олган Отаниёз Ниёзийнинг ажиб хислатлари ҳофиз истеъдоди ва шахсиятининг шаклланишига асос бўлганлиги шубҳасиз. Комилжон Отаниёзов бадиҳагўй шоир бўлган,

Республикамизнинг қайси ҳудудига борса, шу гўшани улуғловчи шеърый тухфа тайёрлаган.⁶

Мен Тошкентдаги мусиқа ва қўшиқчилик олийгоҳи- Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносининг фойеси учун мўлжаллаб ишлаган ўз диплом ишим- рангтасвир композициясини “Катта ашула” деб номладим. Мен ишлаган рангтасвир композицияси Комилжон Отаниёзовга бағишланган. Шунинг учун композиция марказида Комилжон Отаниёзов кўлида тор билан, қўшиқ куйлаб турган вақти тасвирланган. Ҳофизнинг узун, оқ тўнда тасвирланиши унга бўлган юксак ҳурмат, эҳтиромни намоён қилади деб ўйлайман. Бутун борлиғи билан берилиб, авж пардада қўшиқ куйлаётган қўшиқчи атрофида раққосалар хиром этипти. Улар айнан Хоразм миллий кийимида. Улар гўё Хоразм “Лазги”сини ижро этаётгандек. Композиция фонида тасвирланган ям-яшил боғда баҳор фасли таровати уфуриб турибди. Мен бажарилган композиция ишида ўзбек халқ қўшиқчилигининг санъатимиздаги бекиёс ўрнини таъкидлашга, ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг қудратли овози, улуғ шахсияти эл ичида афсоналарга айланганлигини намоён қилишга ҳаракат қилдим.

⁶Read more: <https://sputniknews-uz.com/news/>

Хулоса

Монументал безатувчи санъат асарлари тасвирий санъатнинг энг халқчил ва оммабоп турларидан биридир. Чунки, бу турдаги ҳайкал, безак ва расмлар доимо одамларнинг назарида бўлади. Шу туфайли бундай асарлар катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бинобарин кишилик жамияти санъатининг бу туридан қадим замонларданоқ кенг фойдаланилган. Башарият тарихи, хусусан, тасвирий ва меъморчилик санъати солномасига назар ташласак, монументал безатувчи санъатнинг юксак поғоналарга кўтарилган даврини кўп учратамиз.

Маҳобатли рангтасвир тарихи ибтидоий одамнинг ғорлар деворига чизган расмларидан бошланади. Ибтидоий жамоа инсонларининг санъатикадимги тош даврига бориб тақалади.

Ўрта Осиё деворий сураткашлиги маҳаллий тамаддунга асосланган ва бақарор узвийликка эга. Шунга кўра меъморчиликда тасвирий воситаларнинг келиб чиқиши ибтидоий жамият оилалари яшаган ғорларни бадий безатиш чоғидан бошланган деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг қадимий тасвир воситаларининг барқарорлигида кўриш мумкин. Ўрта Осиё меъморчилигида деворий суратларни қўллаш қуйидаги тарихий даврларни ташкил этади-қоятош суратлари, антик давр, илк ўрта асрлар, ўрта асрлар, Амир Темури ва темурийлар даври.

Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида ҳайкалтарошлик ва графика турлари нисбатан суш ривожланган бўлиб, доимо дастлабки ўринларни рангтасвир эгаллаган. Маълумки, она заминимизда илк ўрта асрлар даврида ҳукмдор ва аслзода бойларнинг уйлари, бундан ташқари, жамоат биноларининг ички деворий юзаларини маҳобатли рангтасвир билан безаш кенг урф бўлган эди. Тасвирлар ва нақш элементлари учун олдинга лой қоришмаси билан сувоқ қилинган, кейин елим ёрдамида ишлов берилган пахса девор текислигида бажарилган. Тасвир баъзан лойсувоқ устига тўғридан-тўғри, баъзан оқланган деворга қизил рангли

туташ чизиклар ёрдамида ҳеч қандай андозасиз моҳир мусаввирлар қўли билан бажарилганлиги аниқланган. Бунга мисол қилиб Афросиёб саройидаги деворий суратларни келтириш мумкин.

Биз маҳобатли рангтасвир тарихига бироз назар ташладик. Бунинг сабаби, ўтмишдаги ота-боболаримиз яратган санъат асарлари, уларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса ўша давр ижодкор одамларининг ҳаёти ва ижоди фақатгина ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб қолмай, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Маҳобатли рангтасвир – тасвирий санъатнинг шундай бир туридирки, унда ранг энг асосий ўринни эгаллайди. Бирор юзада бўёқлар воситасида яратилган санъат асари маҳобатли рангтасвир дейилади. Маҳобатли рангтасвир амалда йўналишига кўра маҳобатли, дастгоҳли, миниатюра, театр маҳобатли рангтасвир беағи каби турларга бўлинади. Маҳобатли рангтасвир йўналишининг ҳар бири махсус хусусиятлари билан фарқ қилади. Бу – бажариш услуби, шунингдек бадиий образ талабларига ҳам тегишлидир. Маҳобатли рангтасвир образлари ниҳоятда жиловли ва ҳар бири ўзига хос. Мусаввирлар маҳобатли рангтасвир воситалари кўмагида асар яратадилар ва улар ҳар доим чизматасвир, композиция имкониятларидан фойдаланадилар. Демак, маҳобатли рангтасвирда асосий ифода воситаси ранг бўлиб қолаверади.

Мусаввир рангтасвир воситалари кўмагида бетакрор ижод асарлари яратиб, бизни ҳайратга солади, дилимизга қувонч бағишлайди, турли кечинмалар орқали руҳимизни озиқлантиради ва ўз маҳорати билан сирли фикрларига ошно қилади. Бундан ташқари мафкуравий илғор ғояларни, тарих ва миллий маданиятимизни акс эттириши янада долзарбдир. Масалан, қисқа муддат билан юртимизга ташриф буюрган сиёсий арбоблар, меҳмонлар авваламбор, барча халқларга бирдек таржимасиз тушунадиган санъат тили билан яратилган бойлигимиз-

меъморий ёдгорликлар, маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир, меъморий ҳаёкалтарошлик мажмуалари, санъат музейларини томоша қиладилар.

Бугун миллий санъатимиз умумжаҳон бадиий манзарасининг ажралмас ва ўзига хос бўғини сифатида гавдаланди. Санъатнинг анъанавий турлари (томоша санъатлари, мусиқа, ҳунармандчилик соҳалари) билан бир қаторда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашувини намоён этувчи санъат шакллари (рангтасвир, графика, кино, телевидение) ҳам тўлақонли ривожланди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон санъати мураккаб ва серқирра ривожланиш йўлини босиб ўтди. Кўҳна тарих олдида йигирма йил албатта қисқа бир лаҳзадек туюлсада, давлатимиз тақдирида юз берган туб тарихий бурилишлар, авваламбор, Мустақилликнинг қўлга киритилиши кўҳна ижтимоий ҳаётнинг барча қатламларига ўзининг улкан ижобий таъсирини ўтказди.

Маҳобатли санъат ўзининг функционал вазифасидан келиб чиққан ҳолда биринчи бўлиб жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. 90-йилларда яратилган миллий санъат ва маданиятнинг буюк арбоблари ва тарихий шахсларга бағишланган қатор маҳобатли санъат асарлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиш жараёнида ватанпарварлик ва фуқаролик бурчларини намоён этувчи санъат соҳасига айланди.

Рангтасвирда бадиий жараён шиддатли ва ёрқин кечди. Кейинги йилларга оид рангтасвир санъати турли услублар қўламининг кенглиги билан намоён бўлди. Академик реализм мактаби ўз мавқеини сақлаган ҳолда кўпроқ ноанъанавий услублар, яъни мажозий-ассоциатив асарлардан тортиб инсталляция ечими тарзида бажарилган асарлар устун келиши кузатилади. Агар 70-80 йилларда Ўзбекистон рангтасвири ривожига миллий ўзига хослик соцреализм услубидаги изланишлар билан белгиланган бўлса, сўнгги йиллар услуб ва йўналишларнинг кенгайиши ҳамда ижодий эркинликнинг тараннуми билан изоҳланади. Рассомлар

борлиқни ўз ижодий дунёқарашлари орқали ўзига хос тарзда ифода этишлари, бадиий жараён ривожда рассом шахсининг ўрни аҳамиятли бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирда, 70-80 йилларда тамал тоши қўйилган ва миллий рангтасвир мактабининг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлган декоративизм билан ёнма-ён, турли авангард йўналишлар ҳамда миниатюра талқини услуби ҳам кенг ривож топмоқда. Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларнинг кенг қўламлиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақлаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик йўлидаги изланишларгача намоён бўлади.

Бадиий услубиятнинг бу каби ранг-баранг тўпланмаси янги тарихий воқелик туфайли юзага келди. Бу воқелик сўнгги ўн йилликда пластик ва фалсафий ғояларни эркин ифода этиш имкониятини яратди.

Кўриб турганимиздек, мустақиллик йилларида бу санъат турининг мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ўзбек халқининг миллий кадриятларини асраб-авайлаш, маҳобатли рангтасвир санъати соҳасидаги унутилаётган анъаналарни тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу даврда санъатнинг барча турларида самарали тамойиллар кўзга ташланади. Ўтган даврлар санъатига хос анъаналарнинг давом эттирилиши билан биргаликда янгиланган ижтимоий-сиёсий ва эстетик муҳит янги ижодий ғоялар, мавзулар ва бадиий ечимларнинг юзага келишига туртки берди. Санъатнинг барча соҳаларида ижодий эркинлик етакчилик қила бошлади. Янги санъатнинг яралишида аввал ҳукмронлик қилган “соцреализм” ақидалари тазйиқидан халос бўлиш энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу жараён меъморчилик, рангтасвир, хусусан маҳобатли рангтасвир ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турфа йўсинда намоён бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ долзарб мафкуравий вазифалар, ҳаёт ҳақиқати, миллий-

маданий қадриятлар тизимига бўлган улкан эътибор санъат доирасидаги масалаларга янги ғоявий ёндошувларни шакллантирди.

Бугун биз мислсиз ҳодиса- санъатнинг яшариши ва яшнаши бошланаётган давомли жараён оstonасида турибмиз. Кўз ўнгимизда мустақил Ўзбекистоннинг янги санъати туғилиб келмоқда. Бу санъат мустақиллик йўлидан бораётган халққа муносиб бўлмоғи керак.

Хулоса қилиб айтганда, маҳобатли рангтасвирнинг тасвирий, бадий, ғоявий ва техник колористика асослари шарқ мактаби анъаналари билан боғлиқ тарзда ривожланиб келмоқда. Замонавий меъморчиликда бадий ва тасвирий воситалар қўлланилишининг шаклланиш йўлларида деворий рангтасвир жанри ўз узвийлигини сақлаб келмоқда.

Глоссарий

№	Инглиз	Ўзбек	рус	Маъноси
8	Cardboard	Картон	Картон	(фран.сартон, итал.сартоне, сарта – қоғоз). 1. Қалин, қаттиқ ва жуда пишиқ қоғоз, оддий қоғоздан қалин. Қоғозга туширилган расм, эскиз, кейин у ўзакка туширилади (мато, девор, ёғоч ёки метал текислик).
9	Paint	Бўёқ	краска	ранг бўяш воситалари таркибининг умумий номи, маиший соҳада фойдаланишга мўлжалланган, предметларга суртилганда ёки бўктирилганда у ёки бу рангни беради. Кимёвий таркибига кўра пигментлар ва улардан тайёрланган бўёқлар минерал (ноарганик тузлар ёки метал оксидлари) ва органик (ўсимлик ва ҳайвонларнинг бирлашиши).
14	Lack	Лак	Лак	(нем.ласк, фран.лакуер суртиш, қоплаш) 1. Турли эритгичларда суюқ ёки ярим суюқ ҳолатгача бўлган елим эритмаси. Лакни суртиш қуриган расм юзасига юпқа қатлам билан, ҳимоя

				катламини яратиш учун суртилади. Қуриганидан сўнг лаклар ялтироқ қаттиқ парда билан қандайдир текисликни қоплайди, физик кимёвий таъсирларга қарши тура олади.
15	Glaze	Лессировка	Лессировка	(нем. Ласиерунг глазур, Ласиерен бўяш, Ласур кўк тош, фран. Гласер сирламоқ, глазур, ялтироқлик). Рассомлик санъати техникаси, корпусли рассомчилик юзасига ингичка, ярим тиниқ ранглар қатламини суртиш йўли билан чуқур ранг турларини олиш учун қўлланилади.
16	Line	Чизиқ	линия	(лот. Линеа – зиғир ип). Тасвирий санъат ва рассомчиликда ифодали тасвирий восита. Чизиқ, график ёки бўёқ воситалари билан тасвирий юзага чизиш орқали юзага келади. Чизиқ доим қалинлик, фарқлилик ва услубга эга бўлади. Тасвирий санъатда чегара, бирор-бир юза ва ўраб турувчи муҳит контури ҳисобланади.
17	Рар	Томчи	Мазок	мўйқалам тортиб бўёқ бериш – асосга (мато, картон ва бошқалар) туширилган бўёқли мўйқалам изи. Мазок билан ишлаш техникаси турли ва у муаллифнинг шахсий ҳаракати, олдига қўйган вазифалари, у ишлаётган материал хусусиятларига боғлиқ.
19	Palette knife	Мастихин	Мастихин	(итал.местичино – куракчасимон асбоб) – пичоқ ёки куракча кўринишидаги пўлат асбоб. Мастихин рассомлар томонидан палитарни тозалаш ёки расмдан қуримаган бўёқни қисман ўчириш учун

				кўлланилади. Шунингдек, мастихин мўйқалам ўрнига бўёқни текис қатлам билан ёки расмга релеф мазкалари билан суртиш учун қўлланилади.
20	Motive	Ғоя	Мотив	1) рассом томонидан тасвир учун танланган натура обекти, камдан-кам манзара. Мотив – боғлиқлик, расм ёки этюднинг тасвир ёки ранг ҳолатини аниқлайди. 2) безак санъатида – кўп марота такрорланиши мумкин бўлган орнамент композитсиясининг асосий элементи.
22	Sketch	Хомаки режа	зарисовка	рассом томонидан тез бажарилган, катта бўлмаган ўлчамдаги рассомлик, графика ва ҳайкалтарошлик санъати асари.
23	Nature	модел	Натура	тасвирий санъатда рассом чизаётганда кузатадиган бутун борлиқ обектлари (предмет, одам, манзара). Натурани ва унинг таърифини танлашда рассом дунёни, ўз ижодий вазифасини сезади.
25	Image	Қийофа	Образ	санъатда бутун борлиқ ходисаларини тасвирлаш шакли, бутун борлиқни бадиий тасвирлаш шакли. Тасвирий санъатда образ фикрнинг аниқ, яққол тасвири.
28	List decorative	Декоратив безак	Декоративны орнамент	архитектура иншоотларида, декоратив безак санъатида тасвирий санъат воситалари ёрдамида яратиладиган орнаментал ва сюжет композитсиялари.
31	Figure	Расм	рисунок	график воситалар – чизиқлар, штрих, доғлар ёрдамида қўлда чизилган тасвир. Уларнинг уйғунлиги пластик шакл, ранг ва нур уйғунлигини беради.

				Қоидасига кўра, битта рангда ёки чегараланган миқдордаги ранглардан фойдаланилади. Технологияси: қуруқ ва суюқ бўёқ воситалари. Қуруқлари: кўмир, графит қалам, сангина (қизил бўй). Суюқлари: туш, сепия, сиёҳ. Асоси: пергамент, қоғоз.
32	Reflex	Рефлекс	Рефлекс	графикада камдам-кам, тасвирий санъатда: ўраб турган объектлардан бирор-бир предметга ранг ва нурнинг тушган акси. Бирбутунқисмларинингқийинўз ароалоқаси
33	Restoration	Тиклаш	встонавить	хайкалтарошлик, тасвирий санъатда (Млар). Махсусусуллар уёрдамида, илмий тадқиқотларасосида амалга ошириладтаҳкамлашнинг барчатурлариваусуллари, шикастланган, бузилган маданият ёдгорликларининг тикланиши (архитектура,
36	Rhythm	Ритм	Ритм	тасвирдаги композицион қурилиш, ўз навбатида ақетма кетлик ёки қайтарилиш қисмларини англатади. Ритм рассомлик образининг ифодавийлигини оширади, кучайтиради.
37	Sanguine	Сангина	Сангина	(франс. Сангуине, лот. Сангуинелис тўқ (қонли) қизил) – қизил ва жигар рангли қаламларнинг турли хил тоналари.
38	Light	Ёруғлик	цвет	тасвирий санъатда соя ёруғ`элементи. Натурада бўлгани каби, тасвирда ҳам бу атама энг ёруғ қисмларини ко`рсатиб беришда қўлланилади.
39	Chiaroscuro	Сояёруғ		нарсаларнинг шаклини ва

			политен	ҳажмини тўғри бажаришда ёруғ ва соя қонунлари муҳим аҳамиятга эга.
41	Symmetry	Симметрия	Симметрия	предмет ёки композитсия асарининг шундай қурилишики, бир хил турдаги қисмларнинг бир-бирига нисбатан параллел жойлашиши, унда ихтиёрий объектнинг марказий ўқидан бир хил узоқликдаги масофада жойлашган ҳолати.
44	Style	Услуб		муаллифнинг ижод мактабида рассомликнинг аниқ бир ёналишига характерли образли тизими қатъий бирлиги ва тасвирлаш усули. Атама турли маъноларда қўлланилади, кўпинча кенг маънода қўлланилади.
45	Background	Фон	Фон	(франс. – чуқурлик, туб) тасвирий санъатда натура, манзара, объектнинг орқадаги кўриниши, орқа плани тушунилади. Бунда фон одатда нейтрал ҳолда, ёки баъзи бир ҳолларда оддий тасвирга эга бўлган ҳолда жойлашади
46	Form	Шакл	Форма	ташқи кўриниш. Тасвирий санъатда форма ҳажми, конструкцияни ҳамда мутаносибликни англатади
47	Chromatic colors	Хроматик ранглар	Хроматический цвет	бир-биридан асосий сифати, ва кўриниши билан ажралиб турадиган ранглар. Хроматик рангларга – қуёш нурлари тушганда ҳосил бўладиган, қуёш нурлари спекторидаги ранглар. Ранглар спектори шартли равишда “ранглар доираси” да жойлашади. Бу доирада ранглар совуқда иссиққа қараб кетма - кетликда жойлашади.
48	Pencil	Қалам	каранда	Чизматасвир ишлаш учун

			ш	ишлатилади
49	Lasting	Ўчирғич	Резинка	Чизматасвирда ўчириш учун ишлатилади.
50	arrangement	Компоновка	Компонувка	Матода текисликлигида композитцион жойлаштириш ва куриш
51	cool color	совуқ ранг	Холодный цвет	музни, қорни, сувни эслатувчи зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша ва ҳаво ранглاردир.
52	warm color	иссиқ ранг	Тёплый цвет	Кунни, қуёшни, бахорни ва гулларни эслувчи сарик, қизил, пушти ранглар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т. “Ўзбекистон”, 2017
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Ўзбекистон Т.: 1995 й.
4. Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият” 2008 й.
5. Абдуллаев Н.У. “Пейзажная живопись Узбекистана” Т.: 1975
6. А. Умаров “Чингиз Ахмаров” ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида очерк.
7. Абдуллаев Н.У. “Ўзбекистон санъати тарихи” Ўз.ф.м.ж. Т.: 2007 й.
8. Авторская коллегия. “Искусство Советского Узбекистана 1917 – 1972 гг.” Сов. Худ. М.: 1976.
9. Л. Жадова “Современная живопись Узбекистана” Гослитиздат Уз СССР- Т.: 1962.
10. Маҳмудов Т. Олимов Я. “Ўзбекистон санъатида инсон омили” Т.: 1988 й.

15. Формозов А.А. Памятники первобитного искусства, 101-бет.
16. Ўзбекистон санъати. А.Ҳакимов. Шарқ, Т- 2001. – 240 б.
17. Султонова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш. “Санъат” нашриёти, Тошкент-2010
18. <https://kun.uz/news>
19. Read more: <https://sputniknews-uz.com/news/>

Иллюстрациялар











